

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

ЧИ ДАО ЖИА

**ЎЗБЕК ГУРУХ ТАЛАБАЛАРИ ТОМОНИДАН ХИТОЙ ТИЛИ
ФУНКЦИОНАЛ СЎЗЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИДА
ИНТЕРФЕРЕНЦИЯНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(хитой тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии
(PhD) по педагогическим наукам**

Чи Дао Жиа

Ўзбек гурух талабалари томонидан хитой тили функционал сўзларининг
ўрганилишида интерференцияни бартараф этиш методикаси 3

Chi Daojia

Methodology of Overcoming Interference in the Study of Chinese Functional
Words by Uzbek-speaking Students 25

Чи Дао Жиа

Методика преодоления интерференции при изучении функциональных слов
китайского языка студентов узбекских групп 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

ЧИ ДАО ЖИА

**ЎЗБЕК ГУРУХ ТАЛАБАЛАРИ ТОМОНИДАН ХИТОЙ ТИЛИ
ФУНКЦИОНАЛ СЎЗЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИДА
ИНТЕРФЕРЕНЦИЯНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(хитой тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Ped2906 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашинг веб-саҳифасида (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хашимова Сабоҳат Абдуллаевна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Маматкулов Хуршид Абдурашидович
педагогика фанлари доктори, доцент

Шасайдова Лола Шамаксудовна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация химояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашинг 2022 йил «30» июн соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; email:uzswlu_info@mail.ru

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (15 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2022 йил «18» 21 маю куни тарқатилди.
(2022 йил «18» июн да 15 рақамли реестр баённомаси).



Г.Х. Бакиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгац
ринси, филол.ф.д., профессор

Х.Б. Самигова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгац
котиби, филол.ф.д., доцент

Л.Т. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгац
кошидаги Илмий семинар ринси, педагог.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда илғор тажрибалар асосида чет тилларни ўқитиши тилшунослигига интерференция ҳодисасининг ўрганилиши ўзга лисоний маданият муҳитида фаолиятда бўлган тилнинг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларини тавсифлаш имконини беради. Интерференция билингвизим шароитида тил тизимларининг ўзаро алоқаси сифатида белгиланиб, ўзга тилни индивидуал ўзлаштириш жараёнида муайян тил қурилиши ёки бирликларида ўзгаришларнинг юзага келиши, алоқага киришаётган тилларнинг ўзаро муносабат қонуниятлари ўрганилаётган иккинчи тилнинг талаффуз ва лексик-семантик меъёрларининг бузилишида таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон амалий тилшунослигига, маданиятлараро ва тиллараро муносабатлар билан боғлиқ янги эҳтиёжлар, лексик интерференция жараёнларини ўрганиш тақозо этилади. Бу, ўз навбатида, ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди. Ҳозирда иккинчи тилни ўзлаштириш соҳасида кўплаб муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда, хусусан, Хитойда Пекин университети томонидан. Шу билан биргаликда, АҚШ (Бостон университети), Англия (Ньюкасл университети), Германия (Мангейм университети), Финляндия (Хэлсинки университети), Япония (Тохоку университети), Россия Федерацияси (Қозон Федерал университети) каби ривожланган мамлакатларда иккинчи тилни ўзлаштириш жараёнида интерференция масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ўқитувчининг касбий малакаси ва ўз ишида профессионал бўлиши ҳамда талабалар билимини халқаро тилларни баҳолаш стандартларига мос келадиган тарзда баҳолай олишга қаратилган илмий изланишлар олиб бориш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаларининг барча соҳалардаги яқин ҳамкорлиги, дўстона муносабатлари икки мамлакатнинг иқтисодиёти, сиёсий ҳаёти, тарихи, маданияти ҳамда тилларини фаол ўрганишга туртки бўлмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёда хитой тилини ўқитиши ва хитойшунослик бўйича илмий-тадқиқот ишлари бошланган дастлабки давлатлардан ҳисобланади. Ўзбекистонда хитой тили йилдан йилга оммалашмоқда ва бунинг исботи сифатида ушбу тилни ўрганаётган талабалар сонининг тобора қўпайиб бораётганини кўрсатиш мумкин. Зоро, «фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни ривожлантириш, мавжуд илмий мактабларни сақлаб қолиш ва янгиларини яратиш, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, бунда иқтидорли ёшларнинг илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш»¹га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, Ўзбекистонда хитой тилини ўқитиши хусусидаги илмий тадқиқотлар ва уларнинг амалий ечимлари учун янги талаблар ҳамда вазифаларни қўймоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони.
https://nrm.uz/contentf?doc=602358_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

Ўзбекистонлик талабалар хитой тилини ягона ёндашувда ўрганиши шароитида, янги йўналишларни жадал ривожлантириш, юзага келаётган муаммолар ечимини топиш мухим ва устувор вазифалардан бири хисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида бўлажак чет тиллари ўқитувчи ва кадрларини тайёрлашда, нафақат уларнинг лингвистик, коммуникатив ва касбий компетенцияларини ривожлантиришга, балки уларнинг рефлектив фикрлаш, мустақил ўрганиш ва ўз-ўзини баҳолаш қобилиятини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратиш зарур. Ўқитувчиларнинг узлуксиз таълим олиши, уларнинг касбий маҳоратининг ривожланишига сабаб бўлади. Шу маънода, мазкур диссертация айни йўналишдаги аҳамиятли ишлар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 февралдаги 75-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ қилиш Маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. 史锡尧, 王平, 李雅梅, Б.Хўжаев, 吉莉, Н.Хусамутдинов, Ф.Жаббарова, 左菲菲² нинг илмий изланишларида Ўзбекистонда хитой тилини ўрганишнинг долзарб муммолови ўрганилган. 孟长勇, 闫雨琪, 李敏³нинг ишларида эса Марказий

² 史锡尧 塔什干国立大学的汉语教学 – 汉语学习, 1987年 – 01期 – 30-31页; 王平 苏联乌兹别克共和国的汉语教学 – 世界汉学, 1989年 – 04期 – 252-253页; 李雅梅 丝绸之路上的汉语驿站 – 云南师范大学(对外汉语教学与研究版). – 2008年 – 第5期 – 89-92页; 李雅梅论目标语环境在中亚地区汉语推广中的重要性及其营造策略 – 云南师范大学(对外汉语教学与研究版). – 2012年 – 第4期 – 76-81页; Khodjaev B. 乌兹别克斯坦汉语教学现状研究 – 新疆大学, 2012年 – 26页; 吉莉 乌兹别克斯坦的汉语教学状况与分析 – 陕西师范大学, 2013年 – 25页; Khusamutdinov N. 乌兹别克斯坦孔子学院发展现状调查研究 – 辽宁师范大学, 2015年 – 53页; Jabbarova F. 乌兹别克斯坦汉语教学状况调查研究分析 – 中央民族大学, 2013年 – 92页; 左菲菲 乌兹别克斯坦汉语教学面临的问及解决方案——以撒马尔罕地区为例 – 中华文化海外传播研究 – 2018年 – 01期 – 192-198页

³ 孟长勇 中亚五国“中国学”研究的历史和现状 – 海外华文教育, 2013年 – 第4期 – 413-419页; 闫雨琪 中亚汉语学习者对汉语教材文化因素需求与探究——以《汉语会话301句》为例 – 中央民族大学 – 2018年 – 91页; 李敏 针对中亚学生动态助词‘着’的对外汉语教学设计研究 – 新疆大学, 2019年 – 54页

Осиёда хитойшунослик бўйича илмий-тадқиқотларнинг тарихи ва ҳозирги ҳолати ёритилган. Хитой тилини ўқитиш таҳлилига бағишлиланган тадқиқотлар қаторига 刘蒙, Ж.Шератов, 贺瑜⁴ ва башка мутахассисларнинг ишлари киради. Киёсий тилшунослик бўйича илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, хитой тилига оид тадқиқотлар бошқа тилларга нисбатан долзарблиқ касб этади. Бундай хулоса 吴迪, 古丽·木沙, 刘双双, 秦诗月, 邓安方, 张昱, 张俞, Ж.Дауkenov⁵ ва бошқа омилларнинг илмий ишларида билдирилган.

Хитой тилини тадқиқ қилиш борасида Россия⁶, Европа мамлакатлари, АҚШ⁷ ва бошқа мамлакатларда ўтказилган илмий изланишлар алоҳида эътиборга лойик. Ўзбекистонда хитой тили бўйича турли йўналишлардаги илмий тадқиқотлар: А.Каримов, С.Насирова, С.Хашимова, С.Мустафаева, С.Назарова, Ж.Зиямухамедов, М.Махмудхўжаев, Л.Султанова, Д.М.Джураев, Л.Ш. Шасайдова⁸ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида тақдим этилган.

⁴ 刘蒙 乌兹别克斯坦中级汉语水平学习者典型口语偏误分析 – 暨南大学, 2017年 – 52页; Sheratov J. 乌兹别克斯坦学生习得汉语的“把”字句偏误研究 – 山东师范大学, 2018年 – 46页; 贺瑜 东干族留学生汉语语音习得偏误分析及教学对策 – 西北大学, 2012年 – 38页

⁵ 吴迪 概念空间和语义地图下的哈萨克语与汉语中人称代词的对比研究 – 枣庄学院学报 2017年 – 06期 – 67-77页; 古丽木沙 汉语哈萨克语词义对比 – 伊犁师范学院 2016年 – 48页; 刘双双 汉语哈萨克语音位系统对比与对外汉语教学 – 华中师范大学研究生学报 2015年 – 5-8页; 秦诗月. 汉语与哈萨克语构词对比研究 – 苏州大学, 2013年 – 38页; 邓安方. 哈萨克语与汉语元音比较 – 伊犁师范学院学报(社会科学版) – 2011年 – 第3期 – 15-18页; 张昱 汉语介词与哈萨克语的格形式的对比研究及教学验证 – 东北师范大学, 2006年 – 46页; 张俞 汉俄可能类助动词比较研究与对外汉语教学. 黑龙江大学, 2017年 – 85页; ⁵ Daukenov Zh. 哈萨克语和汉语谚语对比研究——以饮食方面的谚语为例. 华东师范大学, 2017年 – 73页

⁶ Кочергин И.В. Очерки методики обучения китайскому языку. Научное издание. – М.: Муравей, 2000. – 160 с.; Демина Н.А. Методика преподавания практического китайского языка. Изд. 2-е, испр. и доп. – М.: Восточная литература, 2006. – 88 с.; 易福成(Львовченко Т.). 汉俄对比与汉语教学实践 – 世界汉语教学学会通讯 2014年, 第4期 – 页39-45.; Кленин И.Д., Щичко В.Ф. Лексикология китайского языка. – М.: Восточная книга, 2013. – 272 с.; Горелов В.И. Лексикология современного китайского языка. – М.: Просвещение, 1984. – 216 с.; Семенас А.Л. Лексика китайского языка. – М.: АСТ: Восток Запад, 2005. – 310 с.; Хаматова А.А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – 233 с.; Антонян К.В. Морфология результативных конструкций в китайском языке. – М.: Муравей, 2003. – 184 с.; Драгунов А. Грамматическая система современного китайского языка. – Л., 1962. – 270 с.; Кленин И., Щичко В.Ф. Лексикология и фразеология китайского языка. – М.: Муравей-Гайд, 1978. – 191 с.; Жолобова Е.С. Неологизмы в китайском языке нового периода и сложности их перевода / Материалы XII международной конференции «Китайское языкознание. Изолирующие языки». – М., 2004. – С. 103-106.

⁷ 威妥玛(Wade T.F.). 语言自述集 – 北京: 北京大学出版社, 2002年 – 523页; 约瑟夫·艾约瑟(JosephEdkins). 官话口语语法(1864). – 北京: 外语教学与研究出版社, 2015年 – 298页; J.L. Norman& W.S. Coblin. "A New Approach to Chinese Historical Linguistics". – Journal of the American Oriental Society, 1995. – P. 576–584.; Joël Bellassen (白乐桑). A Key to Chinese Speech and Writing, tome I, (et Zhang P.), –Sinolingua, Pékin, 1997. – P. 276.

⁸ Каримов А.А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар (лексик-семантик, структурал ва функционал таҳлил). – Т., 2003. – 120 б.; Насирова С.А. Ҳозирги замон хитой тили дипломатик терминларнинг лексик-семантик ва структур таҳлили: филол. фан. ном....дис.. – Т., 2008. – 160 б.; Назарова С. Совершенствование иноязычной лексической компетенции студентов при обучении китайскому языку. – Т., 2018 – 197 с.; Хашимова С.А. Ҳозирги хитой тилида редупликация: филол. фан. номз... дис. автореферати. – Т., 2009. – 46 б.; Хашимова С.А. Ҳозирги хитой тилида аффиксация ва конверсия: филол. фан. док. (DSc)дис. - Т., 2020. – 240 б.; Мустафаева С.Т. Хитой тили тилшунослик терминлари тизимининг шаклланиши ва тараққиёти. – Т.: Шарқ, 2016. – 196 б.; Назарова С. Совершенствование иноязычной лексической компетенции студентов при обучении китайскому языку. – Т., 2018 – 197 с.; Зиямухамедов Ж. Xitoy tili darslarida qo'llaniladigan ayrim an'anaviy va noan'anaviy uslublarning afzalligi xususida // Актуальные вопросы китаеведения. – Т., 2014. – 45-50 б.; Махмудходжаев М.Х.. Хитой тилини яхши ўқитиш учун ўқитувчи нималарга эга бўлиши лозим //Материалы научно-практической конференции «Актуальные вопросы китаеведения». – Т., 2006.– С. 5–7.; Султанова Л.А. Некоторые методы проведения письменных работ//Актуальные вопросы китаеведения. Материалы научно-практической конференции. – Т., 2007.– С. 38–44; Джураев Д.М. Хитой тилида талабаларнинг лингвокультурологик компетенциясини шакллантириш. – Т., 2019– 154 б.; Шасайдова Л.Ш. Хитой тилида

Аммо шунга қарамай, ўзбек тилида сўзлашувчи аудиторияда хитой тилини ўқитишида юзага келадиган интерференция ҳодисалари, унинг лексик-семантик хусусиятлари етарлича ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетининг «Хорижий Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий муаммолари» ва «Марказий Осиёда лексикология ва лексикография: анъаналар ва ҳозирги замон» мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек талабаларининг хитой функционал сўзларини қўллашда юзага келадиган интерференцияни бартараф этиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳозирги хитой тилидаги лингвистик ҳодисалар ва интерференциявий ўзгаришларни тавсифлаш;

сўзларнинг функционал интерференцияси муаммосини, яъни хитой тилидаги равиш, кўмакчи ва ёрдамчи сўзларнинг грамматик ҳамда прагматик хусусиятларини ёритиш;

функционал сўзларнинг интерференцияси билан боғлиқ тил ўзгаришларига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаш ҳамда асослаш;

ўзбекзабон талабаларнинг хитой тилидаги нутқида намоён бўлаётган хатоларни аниқлаш ва ўқув жараёнида йўл қўйилган хатоларнинг экспериментал таҳлилини ўтказиш;

ўзбек тилида сўзлашувчи ўқувчилар учун хитойча функционал сўзларни ўрганиш, аралашувини бартараф этиш учун машқлар тизимини ишлаб чиқиш;

функционал сўзлар интерференциясини ўрганиш натижалари асосида хатолар сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини белгилаш;

педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини ўзбек талабаларининг нутқида хитой тилидаги функционал сўзларни ўрганишда интерференцияни бартараф этиш жараёни (HSK⁹ 4 даражаси асосида) ташкил этади.

оғзаки нутқни ривожлантириш усуллари (Ўйин методлари асосида) – Т., 2020 – 150 б.

⁹HSK – Хитой тилини эгаллаганлик даражасини аниқлаш учун ўтказиладиган имтихон (қисқартирилган HSK) – бу хитой тили она тили бўлмаган шахсларнинг (шу жумладан, чет элликлар, чет эллик хитойликлар, этник хитойликлар ва XXРда яшовчи этник озилилк миллат вакиллари) ушбу тилни билиш даражасини текшириш учун мўлжалланган халқаро стандартлаштирилган хитой тилини билиш тестидир. У биринчи марта 1990 йилда ташкил этилган. Ушбу диссертацияда айтиб ўтилган HSK, бу 2010 йилда киритилган янги стандарт имтиҳондир. Муаллиф таъкидлашича, янги стандарт имтиҳони хитой тили ривожланишининг сўнгги тенденциялари ва чет эллик талабаларнинг тил билиш даражасини текшириш усулларини хисобга олади, шунингдек, у Умумий Европа Тил Кўникмаси Қолипи (СЕФР)га мос келади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ўзбек гуруҳи талабаларининг хитой тилидаги функционал нутқида ифодаланган сўзлар интерференцияси ва уни бартараф этиш услуби белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда белгиланган мақсадни ёритиш ва қўйилган вазифалар ечимини топиш учун хитой тилида меъёрлаштирилган ва интерференция белгиларини қиёсий ўрганишнинг аналитик усули ҳамда саволномалар тарқатиш ва тажриба-кузатиш ёрдамида амалга оширилган статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

икки тиллилик шароитида хитой тилининг функционал сўзларидан фойдаланишда тушириб қолдириш, нотўғри бириктириш, нотўғри транформация каби хатолар типологиясинианиқлаш орқали талабаларнинг хитойча функционал сўзларни қўллаш имкониятини такомиллаштиришга қаратилган машқлар тизими яратилган;

ўзбек тилида сўзлашувчилар нутқида юзага келадиган хатолар хитой тили лексикаси сатҳининг тез-тез қўлланиладиган функционал сўзлар – равишлилар, кўмакчилар ва ёрдамчи сўзлардан фойдаланишда юзага келиши далилланган;

хитой тилидаги функционал сўзларни ўқитишининг умумий тамойиллари ва усуллари ҳамда экспериментал натижалар асосида ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг хитой функционал сўзлари сатҳидаги хатоларини бартараф этишга қаратилган контрастли-когнитив мулоқот усуллари мажмуи аниқланган;

илк бор ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг хитой тили нутқидаги функционал сўзларнинг интерференциясини бартараф этишда университет талабаларининг билими даражасини HSK 4 дастури асосида такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари Хитой Халқ Республикаси Таълим вазирлиги томонидан тайёрланган хитой тилини билишнинг (бошланғич ва ўрта даражা HSK/HSKK¹⁰, мукаммал даражা) Давлат халқаро сертификатлаш дастури бўйича хитой тили фонетикаси ва лексикасини ўқитиш мақсадида “Филология ва тилларни ўқитиш (хитой тили)” йўналиши, “Лингвистика” (хитой тили) магистратура мутахассислиги талабалари ва кенг аудитория учун ишлаб чиқилган ҳамда “Ўзбек тилида сўзлашувчилар орасида хитой тили фонетикаси ва лексикасининг ўзлаштирилиши бўйича тадқиқот” деб номланган янги ўқув-услубий дастурларда ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тавсия этилган республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлар материаллари ва журналларида нашр қилинган илмий мақолаларда ўз аксини топгани, шунингдек, тадқиқот натижаларининг ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

¹⁰HSKK – бу оғзаки хитой тилини билиш имтиҳони

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти тиллараро алоқалар назариясининг ривожланиши, хусусан, интерференция туфайли юзага келган ўзгаришлар ҳодисасига алоқадор ҳолатлар тавсифи билан боғлиқ. Олинган натижалар хитой тили тил бирликларининг нутқда фаоллашувчи, уларнинг вужудга келиши ва ўзбек аудиторияси томонидан қўлланилиш хусусиятлари ҳақидаги тассавурларини бойитади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, биринчи навбатда, диссертация материаллари ва хulosаларидан хитой тилини хорижий тил сифатида самарали ўқитиш, тил алоқалари ва ўзгаришларини ўрганиш бўйича амалга оширилган тадқиқотларда, хитой тили фонетикаси, лексикологияси ҳамда морфологияси, хитой ва ўзбек тилларининг чоғиштирма грамматикаси юзасидан назарий ва амалий курсларни яратишида, “Хитойдаги тил вазияти”, “Мутахассисликнинг назарий масалалари”, “Хитой тили диалектологияси” каби фанларни ўқитишида, ўқув қўлланмалар, дарсликлар, услубий тавсияларни тайёрлашда фойдаланилиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек талабаларининг хитой тилидаги нутқида қўлланган фаол функционал сўзлар интерференциясини бартараф этишга қаратилган тадқиқот натижалари асосида:

икки тиллилик шароитида хитой тилининг функционал сўзларидан фойдаланишида тушиб қолдириш, нотўғри бириктириш, нотўғри транформациякаби хатолар типологияси нианиқлаш орқали талабаларнинг хитойча функционал сўзларни қўллаш имкониятини такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий натижаларидан Тошкент давлат шарқшунослик университети қошидаги Конфуций ўзбек-хитой институтида амалий машғулотларда фаол фойдаланилган. Хусусан, луғавий хатоларни тузатиши, хитой тилининг луғавий меъёrlарига риоя қилиш масалаларини ҳал қилиш учун ўрганиш натижалари асосида тақдим этилган контрастив-когнитив мулоқот усуслари қўлланилди (Ўзбек-Хитой Конфуций институтининг 2021 йил 6 ноябрдаги 95-сон маълумотномаси). Натижада, тақдим этилган материаллар талабаларнинг хитой нутқини тўғри ривожлантиришга, тўғри ёзма нутқа риоя қилишга, шунингдек, стандартлаштирилган хитой тилидан фойдаланишга хизмат қилган;

ўзбек талабаларининг хитой тилидаги нутқида кўп кузатилган лексик интерференцияга оид илмий-назарий натижалардан Хитой Халқ Республикасининг Лэшан педагогика университетида бажарилган JG2018-2-ZF-10- рақамли «国际教育专业实训模式探索与实践» – «Халқаро таълим мутахассислари учун таълим олиш моделлари таҳлили» мавзуидаги илмий лойиҳасида фойдаланилган (Хитой Халқ Республикаси, Лэшан университетининг 2020 йил 28 декабрдаги 12-26-сон маълумотномаси). Натижада, тақдим этилган материал таълим мазмунини бойитишга, хитой тили фонетика ва лексикасининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишга хизмат қилган;

хитой тилидаги функционал сўзларни ўқитишнинг умумий тамойиллари ва усуллари ҳамда экспериментал натижалар асосида ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг хитой функционал сўзлари сатҳидаги хатоларини бартараф этишига қаратилган контрастли-когнитив мулоқот усулларига оид натижаларидан Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта таёrlаш курсларида фойдаланилди, асосан, «Давлат тилини (хитой тили) ўрганишда маданиятларо мулоқот» модулини ўрганишда кенг фойдаланилган (Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2022 йил 14 февралдаги 02/268-сон маълумотномаси). Натижада, тилларнинг ўзаро алоқалари ва чет тилини (иккинчи) индивидуал ўрганишда юзага келадиган икки тиллик шароитида тиллар тизимининг интерференцияси хусусиятларига оид хulosалардан самарали фойдаланилган;

ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг хитой тили нутқидаги функционал сўзларнинг интерференциясини бартараф этишда университет талабаларининг билими даражасини HSK 4 дастури асосида такомиллаштиришга қаратилган тавсиялардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” давлат унитар корхонаси кўрсатувларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” ДУКнинг 2021 йил 6 декабрдаги № 04-25-1813-сон). Натижада тақдим этилган материаллар ушбу эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг таъсирчанлиги ва илмийлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза кўринишида баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий наширларда 11 та мақола, жумладан, 4 таси хорижий, 7 таси маҳаллий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хulosса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 195 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмida тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти, предмети ҳамда методлари аниқланган; мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг «Хитой тилидаги лексик интерференцияни ўрганишнинг назарий масалалари» деб номланган биринчи бобида лексик интерференция, хитой тилидаги тиллараро интерференция ва хитой тили функционал сўзларини таҳлил қилиш жараёни ҳамда интерференцияни бартараф этишга оид ёндашувлар каби масалалар ёритилган.

«Интерференция» атамаси, одатда, муайян тил (ёки бир нечта тил)нинг бошқасига таъсирини англатади ва у тилнинг барча сатхларида, яъни фонетика, лексика, семантика, морфология, синтаксис ва прагматикада ҳам юзага келиши мумкин.

Чет тили, хусусан, хитой тилини ўрганишда қийинчиликлар юзага келишининг асосий сабаби фонетик, функционал ва лексик тузилмалар ўртасидаги тафовутлар, иккинчи тил структураларини ўзлаштиришнинг умумий жиҳатлари билан боғлиқ.

Хорижий тилни ўрганишда мулоқотнинг лексик қатламига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Она тилида мулоқотнинг мазкур жиҳати лексик компонентларнинг маъruzachi томонидан тўғри англаниши ва тингловчи томонидан нутқ сигналининг ижобий қабул қилиниши билан боғлиқ. Шу боис ушбу тадқиқотда хитой тилини ўқитиш даврида аниқланган объектив хатоларга асосланиб, умумий вазифали сўзлар (равиш, кўмакчи, ёрдамчи сўзлар) интерференцияси ва хитой тилида сўзлашувчи ўзбек талабаларининг нутқидаги қийинчиликларни бартараф этиш йўллари таҳлил қилинган.

Нутқни идрок этишда лексик тизимнинг намоён бўлиш қонуниятлари ва она тилиси бошқа бўлган сўзлашувчиларнинг хитой тилидаги нутқий фаолият жараёнини тавсифлаш атрофлича изланиш олиб боришни талаб этади. SLA¹¹ (иккинчи тилни ўзлаштириш) – SLA жараёнини ўрганишга йўналтирилган интизом. Ҳозирги хитой тилини чет тили сифатида ўрганиш мухим йўналишлардан бўлиб, бугунги кунда амалий тилшунослик, психолингвистика, лингвокультурология, психология, педагогика, мантиқ каби соҳалар эътиборини тортиб келмоқда¹². Шуни таъкидлаш керакки, хитой тилини она тили ва иккинчи тил сифатида ўрганишда ва бошқа ўзига хос хусусиятлар ўртасидаги асосий фарқ тадқиқотнинг обьекти ва предметида намоён бўлади. Бундан ташқари, диссертация хитой тили лексик бирликларининг чет тили тингловчиларига интерференциясини ўрганишга йўналтирилган¹³. Бунда доимий ўзгарувчан жараёнда лексик бирликлар, бирикиш ва ривожланиш қоидаларига ҳақиқий лингвистик ҳодиса сифатида эътибор қаратиш лозим.

Шунингдек, SLA тадқиқотлари натижаларига кўра, она тили хорижий (иккинчи) тилни ўзлаштиришга бевосида таъсир кўрсатади ва йўл қўйилган хатоларни бартараф этишга амалий ёрдам беради. Шунинг учун талабалар хатоларини таҳлил қилишининг аҳамиятли жиҳати эътиборга олиниши керак.

¹¹ SLA – иккинчи тилни ўзлаштириш: <https://translate.google.com>; Ўзлаштириш чет тилини ўрганиш контекстида ҳам кўлланилади: "чет тили" ёки "иккинчи тил" ни ўзлаштириш "биринчи тил" ёки "она тили" ни ўзлаштиришдан шундай фарқланади. Қаранг: Crystal D. A Dictionary of Linguistics and Phonetics (6th ed.) - Oxford : Blackwell, 2008. – Р.8.

¹² https://en.wikipedia.org/wiki/Second-language_acquisition

¹³ Ушбу диссертация тадқиқотида ўзбек тилида сўзлашувчилар мисолида. Муаллифнинг эслатмаси.

Чунки хатолар нафақат иккинчи тил тадқиқотчилари, балки талабалар учун ҳам муҳим бўлиб, улар тилни ўрганиш ёки ўзлаштиришда, айни пайтда, кашф қилишда фойдаланадиган стратегиялар жараёнларнинг устуворлигини белгилайди.

Тил структураси ва тиллараро интерференциянинг контраст таҳлили бўйича олиб борилган хорижий илмий тадқиқотлар масаланинг умумий ва аниқ жиҳатларини чуқур ўрганиш имкониятини тақдим этади. Масалан, Р.Ладо (1957)¹⁴ “Маданиятлар бўйлаб Тилшунослик (Linguistics Across Cultures)” китобида контраст таҳлил гипотезаси (hypothesis of contrast analysis)” (САН)нинг назарий асосини яратиб берган. Унда таъкидланганидек: “Ушбу китобнинг мазмун-мундарижаси ўрганилаётган тил ва маданиятни талаба тили ва маданияти билан тизимли равишда таққослаб, қийинчиликларга олиб келадиган жиҳатларни аниқлашда уни келтириб чиқарадиган сабабларни башорат қилиш ва тавсифлаш мумкинлиги ҳақидаги тахминга асосланади”¹⁵.

Контраст усулдан фойдаланиш ўқитишда кераксиз тил унсурларидан фойдаланишнинг олдини олади ва бу тил ўрганиш жараёнининг ижобий кечишига ёрдам беради. Салбий ҳолатларни камайтиради, таққослаш ва қийинчиликларни аниқлаш орқали дарс ва ўқитишни ўз вақтида амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, контраст таҳлил усули нафақат иккинчи тилни (чет тилини) ўрганишнинг бошланғич босқичига, балки ўрта ва юқори даражадаги талабаларга нисбатан ҳам қўлланилади. Буни талабаларни чет тили сўз бойликларидан фойдаланишга ўргатиш жараёнида, одатда, нутқнинг муҳим қисми бўлган сўзларга алоҳида эътибор берилиши тасдиқлайди¹⁶.

Хатоларни таҳлил қилиш назарияси ва тил интерференцияси хатоларни таҳлил қилиш борасида ўтказилган тадқиқотларнинг аҳамиятини очиб бериши билан бирга, Ўзбекистонда бундай ишларни амалга оширишга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Хитой амалий тилшунослигида тиллараро интерференция борасида олиб борилган илмий тадқиқотлардан маълум бўладики, талабаларнинг она тилидаги нутқида лексик аралашув жуда барқарор ва кенг тарқалган. Синф машғулотларида сунъий равишда олинган тилдаги нутқда лексик характердаги интерференция ҳодисалари талайгина. Лексик интерференциянинг юзага келишига ўзаро таъсир қилувчи тилларнинг лексик тизимларини фарқловчи хусусиятлари асос бўлади. Уни бартараф этиш учун лексик интерференцияни башорат қилиш лексик тизимлар типологик корреляциясининг мақсадларидан саналади.

Хитой ва ўзбек тилларининг лексик тизимлари маълум ўхшашикларга эга, аммо функционал сўзлар (равишлар, қўмакчилар, ёрдамчи сўзлар)да

¹⁴ Lado R. Linguistics Across Cultures: applied linguistics for language teachers. – University of Michigan Press, 1957. – P.141.

¹⁵ Lado R. Linguistics Across Cultures: applied linguistics for language teachers. – University of Michigan Press, 1957. – P.141.

¹⁶ Чубут Т. А. Методика контрастивного анализа национальной специфики семантики слова / Т. А. Чубут // Культура общения и ее формирование. Вып. 16. – Воронеж, 2006. – С. 53–56.

айрим фарқлар мавжуд. Бу тафовутлар икки хил лексик интерференция белгиларининг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Булар ижобий ёки бевосита(тўғридан тўғри), яъни ассимиляция белгилари ҳамда салбий ёки тескари (қарама-қарши), яъни ортиқча тузатиш белгиларидир.

Когнитив ёндашув чет тилини ўқитиш, талаффуз, грамматика ва луғатнинг турли шаклларини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда онгли равища назорат қилиш жараёнидир. Талабаларнинг тил қобилиятини ривожлантириш ўқитишнинг асосий мақсади ҳисобланади. Бунда тил қобилияти, тизимли ва онгли равища тушунтириш ҳамда амалиёт орқали олинадиган билимлар ийғиндисидир.

Янги тил материаллари талабаларнинг она тилиси ва ўрганаётган чет тили юзасидан тўплаган билимлари, шунингдек, ҳаётий тажрибаси билан боғлик бўлиши билан бирга, хорижий тилни ўқитишда тегишли методларни танлаш ва яратиш лозим.

Чет тилини ўқитишда коммуникатив ёндашув талабаларнинг чет тилида мулоқот қилиш қобилиятини ривожлантириш ва уларга ўрганилаётган тилда эркин сўзлашиб имкониятини беради. Ўқитувчилар талабаларнинг янги сўзлар ва грамматик қоидаларни ёдлашларига йўл қўймаслиги керак. Аксинча, талабаларга муайян вазиятлар ва мавзуларда коммуникатив вазифаларни бажаришига ёрдам беришлари керак. Бу нафақат тилдан фойдаланишнинг тўғрилигини, балки мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Хитой тилидаги равишлар, кўмакчилар ва ёрдамчи сўзларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ва талабалар йўл қўйган хатолардан хуроса қилиш мумкинки, хитой тилидаги функционал сўзларни ўрганишдаги қийинчиликларни самарали бартараф этиш учун ўқитувчилар нафақат хатоларни олдиндан кўра билиши, балки ўзбек тилида сўзлашувчиларга ўз она тилидаги тўсиқларни енгиб ўтиш ва хитойча функционал сўзларни ўзлаштиришида хатолардан холи бўлишига ёрдам бериши керак. Шунинг учун хитой тили функционал сўзларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва хатоларининг умумий сабабларига кўра, талабаларни услубий қўллаб-қувватлаш ва амалиёт тизимини яратиш учун назарий ўкув материалларидан фойдаланиш зарур.

Мулоқотнинг контраст ва когнитив усуллари лексик бирликларнинг барча маъноларини, жумладан, вақт, макон, алоқа обьекти, сабаб кабиларни қўриб чиқишига имкон беради Шунингдек, бу жараёнда она тили ва ўрганилаётган тил ўртасидаги фарқлар ҳам ҳисобга олинади. Шу боис, хитой тили функционал сўзларини ўрганишдаги муаммоларни бартараф қилиш учун қайд этилган усуллар воситасида талабалар хитойча функционал сўзлар хусусиятларини тушуниши, уларни тўғри қўллаши, шунингдек, кўп такрорланадиган хатоларни башорат қилиши, камайтириши мумкин.

Иккинчи тилни ўрганувчиларнинг лингвистик онги она тили мухитида шаклланади. Шу сабабли чет тилини ўзлаштириш шароитида ўзларининг

“лингвокогнитив даражаси”¹⁷ таъсирида юзага келадиган нотўғри ассоциатив жараёнлар мавжуд бўлади. Шунинг учун хорижий тилни ўқитишида интерференцияни ҳисобга олиш ва талабаларда ўрганилаётган тилда тўғри фикрлашни шакллантиришга ёрдам бериш учун контрастли ва когнитив мулоқот усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Таҳлил қилинган назарий масалалар ва муаммолар, амалга оширилган ишларни тадқиқ этиш хитой тилини иккинчи тил сифатида ўрганишида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш учун ечимлар топиш заруратини ўртага қўяди. Шу тариқа, лексик интерференцияни билиш билан бирга, йўл қўйиладиган хатоларнинг олдини олиш мумкин. Она тилининг интерференциявий таъсирини камайтиришнинг муҳим воситаси интерференция сигналларини башорат қилиш ва уларни ўрганишдир. Иккинчи муҳим омил - ўқитишидан хабардорлик, тилни ўргатиш жараёнида интерфаол тизимни амалиётда изчил қўллашга асосланган. Учинчи омил тил билишнинг энг юқори даражасига эришиш истагидир. Интерференцияни камайтиришнинг тўртинчи муҳим омили чет тили дарсларини олиб бориш учун қулай психологик муҳит саналади. Ушбу шартлар талабаларда чет тилида мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Диссертациянинг «Ўзбек тилида сўзлашувчи тингловчилар нутқида хитой тилида фаол қўлланадиган функционал сўзлар интерференцияси» деб номланган иккинчи боби ўзбек гуруҳи талабалари томонидан хитойча функционал сўзларни ўрганиш интерпретацияси, равиш ва равиш шаклларидағи функционал лексемалар интерференциясига багишлиланган. Айни пайтда, функционал сўзларни ишлатишда йўл қўйиладиган хатоларнинг сабабларига оид ҳақидаги қиёсий маълумотлар таҳлили ҳам келтирилган.

Лексик интерференция ва хатоларни енгиб ўтиш усулларини ўрганиш ҳар бир тилда муҳим ўрин эгаллайди. Бунда нафақат сабабларни¹⁸, балки хатолар сони бўйича статистик маълумотларни аниқлашда ҳам чукур таҳлил талаб қилинади. Тилшунослар, методистлар ва ўқитувчи-амалиётчилар, одатда, салбий натижалар, башорат қилиш, тадқиқот ва интерференциянинг олдини олишга эътибор қаратишади. Чунки икки тилли нутқдаги "салбий тил материаллари" мулоқот жараёнида муайян мураккабликларни келтириб чиқаради¹⁹. Лексик интерференция бир қатор хитойлик олимлар ва тил ўргатувчи тадқиқотчиларнинг ишларида таҳлилга тортилган. Хусусан: 陈小荷, 白莲花, 高洁, 高玉娟、李宝贵, 邓杉杉, 郭熙, 胡云晚, 黄晓红, 黄秀坤, 李大忠, 王建勤, 王秀珍, 吴英成, 向二兰, 徐安娜, 元莲仙, 张家骅, 赵金铭, 周小兵, 周小兵、赵新, 丁雪欢, 田善继²⁰ ва бошқалар.

¹⁷ Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987. – С. 264.

¹⁸ Осипчук А.Е. Предупреждение лексико-фонетических ошибок в речи иностранных военнослужащих / Потенциал современной науки. – № 3(29). – М., 2010. – С.68-70. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=30017601>

¹⁹ Щерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность. Л. : Наука, 1974. – 428 с.

²⁰ 陈小荷. 跟副词‘也’有关的偏误分析. 世界汉语教学. – 1996年, 第2期 – 54-60页; 白莲花. 韩汉语语序类型对比研究 – 上海外国语大学, 2011年 – 209页; 高洁. 哈萨克斯坦学生语音偏误分析及教学对策 – 华中师范大学, 2017 年 – 67 页;

Лексик интерференцияларни ўрганишнинг энг аҳамиятли жиҳати лексик хатолар ва уларни бартараф этиш усуллари²¹ бўйича олиб борилган изланишлар ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур тадқиқот ишида хатоларга оид статистик маълумотлар равишлар, кўмакчилар ва ёрдамчи сўзлар материалига асосланади. Хитой тилида равишларнинг турлари ниҳоятда хилма-хилдир. Хитой ва ўзбек тилларида равишларни чоғишириш жараёнида ўзбек тилида битта равиш турли контекстларда қўлланилиши, хитой тилидаги равишлар эса, ўзбек тилига битта равиш сўз билан таржима қилиниши кузатилди. Масалан, хитой тилидаги «不 (bù)» ва «没 (méi)» равишлари ўзбек тилидаги «йўқ» сўзига; хитой тилидаги «很 (hěn)» ва «太 (tài)» равишлари ўзбек тилидаги «жуда» равишига; хитой тилида модалликни ифодаловчи «当然 (dāngrán)» равиши ва «一定 (yídìng)» тасдиқ равиши ўзбек тилидаги «албатта» сўзига; хитой тилида такрорни ифодаловчи «再 (在)» ва «又 (yòu)» равишлари ўзбек тилидаги «яна» сўзига муқобил бўлади. Шу ўринда айтиш жоизки, талабалар, кўпинча, она тили таъсирида бўлиб, ўзларига таниш бўлган равишларни қўллайдилар ва бу кўп ҳолларда қийинчилик, хатоларга олиб келади.

Ўзбек гуруҳлари талабаларини тажрибадан олдинги тестдан ўтказиш натижасида шу нарса маълум бўлди, мазкур аудитория томонидан хитой тилидаги инкор равишлари «没(méi)», «别 (bié)» ва таъкид равиши «必须 (bìxū)»нинг ўзлаштирилиши қийинрок. Турли даражадаги тегишли кўрсаткичлар 46,43% (бошланғич), 51,02 % (ўрта) ва 55,61 % (илғор) бўлса, хатолар сони эса, қарийб ярмини ташкил этади. Юқорида айтиб ўтилган хитой тилидаги равишларни қиёслаган ҳолда шуни аниқладикки, йўл кўйилган хатоларнинг сабаблари ўзбек тилида хитой тилидаги инкор равишлари «不 (bù) », «没 (méi)» ва «别 » нинг ўрнини босувчи тегишли сўзларнинг йўқлиги билан боғлиқ. Талабалар томонидан «不 (bù)» ва «别 (bié)» равишлари ўрнига энг кўп қўлланиладиган инкор равиши эса, «没 (méi)» эканлиги аниқланди, масалан:

高玉娟、李宝贵. 韩国留学生汉语声调习得偏误的声学研究 – 云南师范大学, 2006年第4卷第1期 – 31-35页; 高玉娟、李宝贵. 韩国留学生汉语声调习得偏误的声学研究 – 云南师范大学, 2006年第4卷第1期 – 31-35页; 郭熙. 论华语研究 – 语言文字应用 – 第2期 2006年 – 22-28页; 郭熙 多元语言文化背景下母语转换的若干问 – 新加坡个案 – 语言文字应用, 2008年 – 第4期 – 2-11页; 郭熙 关于华文教学当地化的若干问 – 世界汉语教学, 2008年 – 第2期 – 91-100页; 胡云晚 程度副词“非常”的有关偏误分析 – 湖南大学学报, 2005年 – 第2期 – 78-82页; 黄晓红 谈谈基础汉语教学中与副词有关的几个问 – 汉语学习, 2000年 – 第4期 – 64-67页; 黄秀坤 基于汉语作为第二语言教学的留学生语篇建构能力研究 – 吉林大学, 2015年 – 185页; 李大忠 外国人学汉语语法偏误分析 – 北京语言文化大学出版社, 1996年 – 274页; 王建勤 “不”和“没”否定结构的习得过程 – 世界汉语教学, 1997年 – 第3期 – 92-100页; 王建勤 关于中介语研究方法的思考 – 汉语学习, 2000年 – 03期 – 61-68页; 王秀珍. 韩国大学汉语的语音难点和偏误分析 – 世界汉语教学, 1996年 – 04期 – 107-109页; 吴英成 多语环境汉语作为第二语言教学新轨迹经验与模式 – 云南师范大学学报对外汉语教学与研究版, 2009年 – 02期 – 6-12页; 汉英动词句法比较研究 – 华中师范大学, 2011年 – 170页; 徐安娜 汉韩语音比较分析与对韩汉语语音教学研究 – 黑龙江大学, 2016年 – 48页; 元莲仙 汉韩语言对比研究及对韩语言教学中的应用 – 南开大学, 2010年 – 303页; 张家骅 通过汉俄对比看“了1”的常体意义 – 当代语言学, 2004年 – 02期 – 97-109页; 赵金铭 汉语作为第二语言教学:理念与模式 – 世界汉语教学, 2008年 – 01期 – 93-107页; 周小兵 介词的语义性质和介词研究的系统方法 – 中山大学学报, 1997年 – 03期 – 1-7页; 周小兵 赵新 对外汉语教学中的副词研究 – 中国社会科学出版社, 2002年 – 128页; 丁雪欢 留学生疑问代词不同句法位置的习得顺序考察 – 汉语学习, 2006年05期 – 47-53页; 田善继 非对比性偏误分析 – 汉语学习, 1995年06期 – 4页

²¹ Осипчук А.Е. Предупреждение лексико-фонетических ошибок в речи иностранных военнослужащих / Потенциал современной науки. – № 3(29). – М., 2010. – С.68-70. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=30017601>

А) Ўзбек тилида: Мен кутубхонага бормайман.

Шунга мувофиқ: 我 图书馆去 不

Хитой тилида: 我不去图书馆。

Хато: *我没去图书馆。

Б) Ўзбек тилида: Сен кутубхонага борма.

Шунга мувофиқ: 你 图书馆去别

Хитой тилида: 你别去图书馆了。

Хато: *你没去图书馆。

Иккинчи тилни ўрганишда талабалар кўп ҳолларда ўзининг она тили қоидалари таъсири остига тушиб қолишади²². Шу боис, хорижий тилни ўзлаштириш вақтида хатоларга йўл қўйадилар. Яна бир сабаб ташқи омиллар, шу жумладан, тил муҳитининг таъсири ҳисобланади.

Хитой тилида кўмакчилар миқдори кўп бўлишига қарамасдан²³, мазкур тадқиқот ишида хитой тилини ўрганиш учун бошланғич даражада зарур бўладиган бир қанча кўмакчилар танлаб олинди ва тадқиқ қилинди. Таҳлилга тортилган кўмакчилар хитой тили даражасини аниқлашга қаратилган Хитой Халқ Республикаси Давлат имтиҳон маркази томонидан HSK хитой тили даражасини аниқлашга қаратилган имтиҳон материаллари таркибига киритилган²⁴. Бу кўмакчилар қуидагилар: «把 (bǎ) (把 kўmакchili гап, воситали тўлдирувчини ифодалаш учун қўлланади), 被 (bèi) (被 kўmакchili гап, мажхул нисбатни билдиради), 比 (bǐ) (比 kўmакchili гап, таққослаш учун қўлланадиган кўмакчи), 在 (zài)(-да), 从 (cóng)(-дан), 跟 (gēn) (билан), 和 (hé) (билан), 对 (duì)(-га), 给 (gěi) (учун/(-га)), 为了 (le) (wèile) (учун)», шунингдек, олтида кўмакчи «在 (zài), 跟 (gēn)/和 (hé), 对 (duì), 从 (cóng), 给 (gěi)» ва уларнинг талабалар томонидан амалда қўлланилиши. Тилга олинган олтида юклама грамматик маъносига кўра, уч тоифага бўлинади: вақт-ҳолат маъносини ифодалайдиган кўмакчилар «在 (zài), 从 (cóng)», синергетик кўмакчилар «跟 (gēn), 和 (hé)», «бермоқ-олмоқ» маъносини ифодаловчи конструкциялар таркибида қўлланиувчи кўмакчилар «对 (duì), 给 (gěi)».

Хитой тилида кўмакчиларнинг гапларда эгаллаган ўрни ўзига хос бўлиб, бу, кўпинча, хитой тилини чет тили сифатида ўрганувчилар учун муайян қийинчиликларни туғдиради. Масалан: *我 每天在六点 起床- Мен ҳар куни соат олтида тураман. Мазкур гапда 在 (zài) кўмакчиси нотўғри қўлланган. Ушбу гапнинг тўғри шакли қуидагicha бўлади: 我 每天六点 起床. Хатоларга йўл қўйилишига сабаб: маълум бир кўмакчининг нотўғри ишлатилгани ёки нотўғри таржима қилинганидадир. Тадқиқот давомида кўмакчиларни нотўғри қўллаш билан боғлиқ хатолар ҳозирги хитой тилида сўз

²²刘珣 对外汉语教育学引论 – 北京：北京语言大学出版社，2000年。– 439页

²³元莲仙 汉韩语言对(dui)比(bi)研究及对(dui)韩语言教学中的应用 – 南开大学，2010年。– 303页

²⁴国家汉语水平考试委员会办公室考试中心: 汉语水平词汇与汉字等级大纲 – 经济科学出版社，2001年。– 406页

туркумларини ажратиш муаммоси билан алоқадор эканлиги аниқланди. Хусусан, 在 (zài) иероглифини ўрганиш жараёнида мазкур ёзув белгиси ҳам кўмакчи, ҳам феъл вазифасида қўллана олишини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Мазкур сўзниңг гапдаги ўрни унинг қайси сўз туркумига оидлигига қараб ўзгаради. Хитой тилидаги кўмакчиларнинг кўплиги ва уларнинг тўғри ишлатилиши гап маъносини тўғри тушунтириш, қандай етказишга боғлик.

Ўзбек тилидаги -нинг ва -ми қўшимчалари хитой тилидаги 的 (de) (的 + от)ва 那 (ma) ёрдамчи сўзларига мос келади. Шунинг учун талабалар ушбу иккита ёрдамчи сўзниңг қўлланиши ҳақида яхши тасаввурга эга ва улардан фойдаланишда камдан-кам ҳолларда хатога йўл қўйишади. Агар она тилида тегишли ёрдамчи сўз учрамаса ёки шунга ўхшаш лексемалар мавжуд бўлса, бироқ мазкур вазиятда бошқа сўз ишлатилса, бу маънога салбий таъсир кўрсатади. Тадқиқот давомида аён бўлдики, ўзбек тилида хитой тилидаги "了 (le)" каби модал ёрдамчи сўзларнинг муқобили (аналоги) йўқлиги талабалар томонидан мазкур сўзниңг тушириб қолдирилишига олиб келади. Масалан: 她 真 是 太 漂亮 – У ҳақиқатдан жуда чиройли. Ўзбек тилидаги «-нинг» аффикси хитой тилида «的 (de)» ёрдамчи сўзи орқали ифодаланади. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, «的 (de)» ёрдамчи сўзниңг қўлланиши ҳар хил, хусусан, «是 ... 的» конструкция таркибида келади. Ўзбек тилида эса, шунга ўхшаш ёрдамчи сўз мавжуд эмас, шунинг учун талабалар кўпинча «的 (de)» ни тушириб қолдирадилар. Бу эса, ўз навбатида, хатоларни келтириб чиқаради.

Лексик интерференция муаммоси ва салбий кўчишларни бартараф этиш усууларини топиш нафақат мазкур соҳада йўл қўйиладиган хатолар сабабларини аниқлаш, балки таълим масканларида хитой тилини ўқитиши жараёнида учрайдиган қийинчиликларни енгиб ўтишга кўмаклашади.

Диссертациянинг «Ўзбек тилида сўзлашувчи талабаларнинг хитойча функционал сўзларни ўрганиш жараёнидаги интерференцияни бартараф этиш бўйича ўқув-услубий тест» деб номланган учинчи бобида методология ва тадқиқот лойиҳаси баён этилган. Шунингдек, экспериментни ўтказиш босқичлари ва натижалари батафсил ёритилган.

Хитой тилидаги вазифадош сўзларни қўллашда йўл қўйиладиган хатоларни бартараф этиш усулининг самарадорлиги бевосита ўқитувчининг ўқитиши шартлари ва усууларини жорий этишига боғлик. Бунда талабаларнинг ўқув жараёнида юзага келадиган тўсиқларни енгишида мос машқлар мажмуи муҳим роль ўйнайди.

Н.Гезнинг таъкидлашича, «машқлар тизими деганда, турли хил нутқ фаолиятида кўнималарни шакллантириш тартибини хисобга олган ҳолда қийинчиликларни бартараф этиш чораларини ошириш баробарида, ўзаро боғлик саъй-ҳаракатларни ташкил этиш тушунилади»²⁵. И.Рахманов²⁶ ва

²⁵ Гез Н.И., Ляховицкий М.В., Миролюбов А.А. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. – М.: Высшая школа, 1982. – 373 с.

²⁶ Рахманов И.В. Обучение устной речи на иностранном языке. – М.: Высшая школа, 1980. – 120 с.

Е.Пассов²⁷ томонидан таклиф этилган машқ тизимларининг талаблари ва турлари асосида биз ўзбек талабалари учун хитойча функционал сўзларни қўллашда йўл қўйиладиган хатоларни бартараф этиш ва уларнинг ўзлаштириш қобилиятини оширишга ёрдам берадиган машқлар тизими ишлаб чиқдик.

Хитой тилини иккинчи тил сифатида ўрганиш методининг энг муҳим алгоритми қўйидагилардан иборат:

- мақсадни белгилаш ва натижани режалаштириш босқичи;
- она тили билими ҳамда тажрибаси билан боғлиқ бўлган босқич;
- тил материалларининг оғзаки мулоқотда қўлланиш босқичи;
- тегишли технология ва ўқитиш воситаларини танлаш босқичи;
- машқлар тизими асосида амалий ўқитиш босқичи;
- сценарий материаллари бўйича ижодий ривожланиш босқичи;
- фикрлаш, баҳолаш босқичи.

Тадқиқот гипотеза (прогноз), синов лойиҳаси ва натижаларнинг қисқача баёни босқичларидан ўтказилади.

